ЭЗОТЕРИЗМ ВА ФАННИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Х.И.Тошов

Мақолада фан ва эзотеризм ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар кўриб чиқилади. Бунда эзотеризмнинг фан ривожидаги таъсирига алоҳида диққат қаратилади. Шунингдек, замонавий фан ва эзотеризмнинг ўзаро алоқалари ҳам таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *фан, эзотеризм, алкимё, космос, магия, герметик анъаналар, герметизм, розенкрейцерлик.*

В данной статье рассматриваются общие и отличительные аспекты между эзотеризмом и наукой. В этом контексте уделяется особое внимание влиянию эзотеризма на развитие науки. Также проанализирована связь современной науки с эзотеризмом.

Ключевые слова: *наука, эзотеризм, алхимия, космос, магия, герметическая традиция, герметизм, розенкрейцерство.*

This article examines the general and distinctive aspects between esotericism and science. In this context, special attention is paid to the influence of esotericism on the development of science. And also, the connection of modern science with esotericism is analyzed.

Key words: *science, esotericism, alchemy, space, magic, hermetic tradition, hermeticism, Rosicrucianism.*

Ғарб цивилизацияси тарихида эзотеризм ва фаннинг ўзаро муносабати мураккаб ва кўпқиррали муаммо ҳисобланади. Бу борада кўплаб қарашлар ёндашувлар ва тадқиқотлар амалга оширилганига қарамасдан, Ғарб маданиятининг мазкур икки соҳаси ўртасидаги ўзаро муносабатни очиб беришга қаратилган аниқ, бир маъноли етарлича концепция мавжуд эмас. Мазкур масалани ёритишга оид қарашларни умумлаштириб 2 гуруҳга таснифлаш мумкин: биринчисида фан ва эзотеризм Европа маданиятининг ўзаро бир-бирига зид икки алоҳида қисми деб ҳисобланса, иккинчи гуруҳга кирувчи ёндашувларда уларни ўзаро яқин, бир-бирини тақозо қилувчи, ҳатто ягона маданий феноменнинг бир-бири билан узвий алоқадор қисми сифатида қаралади. Бу борадаги қолган барча ёндашувларни мазкур икки ёндашувнинг турли шаклдаги ифодалари сифатида тафсифлаш мумкин.

Собиқ совет замони ва маконидаги тадқиқотчиларнинг ишларида эзотеризм шубҳасиз диний соҳага оид ҳодиса сифатида баҳоланган. Бугунги кундаги замонавий постсовет замони ва маконида юзага келган тадқиқотларда ҳам собиқ совет тадқиқотларига хос ёндашувнинг таъсири сезилиб туради. Аксарият ҳолларда айрим тадқиқотчилар бу борадаги собиқ совет даврида кенг тарқалган ёндашувни танқидий нуқтаи назардан текширмасдан тўғридан тўғри қабул қиладилар. Собиқ совет давридаги тадқиқотларда дин ва эзотеризм олий табиат кучларига ишонишнинг турли кўринишлари сифатида баҳоланган. Шунга кўра, дин ва эзотеризмга айнан деб қаралган. Натижада мазкур ёндашув рус тилидаги илмий тадқиқотларда ҳам кўплаб танқидларга учради. Мистицизм ҳақиқатан ҳам динга яқин бўлиб, «космос», аниқроғи, табиий физик кучлар доирасидаги тажрибани назарда тутади. Магия учун эса эзотеризмнинг табиий реалликдан ташқарига чиқувчи кучлар ҳақидаги ғоялари муҳим. Россиялик тадқиқотчи Е.Торчинов ўзининг «Жаҳон динлари: чегара ортидаги тажрибалар» номли асарида магияни таърифлаш муаммосини олий табиат кучларига ишониш ғояси кесимида кўриб чиқиб, қуйидагиларни келтириб ўтади: биринчидан, ҳамма дин ҳам олий табиат кучларига ишонишни англатмайди. Иккинчидан, олий табиат кучлари тушунчаси билан фантастик (ўйлаб топилган) кучлар тушунчалари ҳатто атеистик талқинда ҳам бир маънони англатмайди. Масалан, ойда яшовчи одамлар ҳақидаги тасаввур ёлғон ва фантастик руҳда, аммо унинг олий табиат кучларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Учинчидан, магия ҳеч қандай олий табиат кучларини ҳам мўъжизавий табиат кучларини ҳам назарда тутмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ибтидоий маг (сеҳргар) магияда XIX аср физиги флагистон ва эфирда кўрганидан ортиқроқ мўъжиза ва олий табиат кучларини кўрмайди [1,64]. Натижада Торчинов қуйидаги хулосага келади: «дин ва магия алоҳида бир-биридан фарқ қилувчи фаолият соҳаларига эга бўлиб, улар ўртасидаги муносабат ҳам дин ва фан ўртасидаги муносабатга ўхшаб бирмунча зўраки ва аҳамиятсиз ҳисобланади» [1,64]. Бу ёндашувнинг Верслуис магия бу космологик гнозисга ёки табиий оламдаги нурланишга асосланган ҳодиса дея берган таърифига тўла мос келишини пайқаш қийин эмас. Шуниси ҳам қизиқки, Торчинов магия ва фан ўртасида муайян ўхшашликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтади. Бу Фрезер асос солган анъанага ҳам бирмунча яқин. Бу ёндашувга

кўра, магия ривожи фан тарихи билан узвий алоқадорликда давом этган. Мазкур концепцияни ҳам кўплаб тадқиқотларда учратиш мумкин. Масалан, Линн Торндайк «Магия тарихи ва экспериментал фанлар» номли асарида магия ва фан тарихини яхлит ҳодиса сифатида кўриб чиқади. «Менинг ғоям шундан иборатки, ўз тараққиёти мобайнида узвий алоқадорликда бўлган маглар биринчи экспериментаторлар бўлиб, фан ва магия тарихини чуқурроқ тушунишда уларнинг ҳар иккисини биргаликда ўрганган маъқул» – деб ёзади у [2,2]. Бундай ёндашувларни замонавий тадқиқотларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Н.Гудрик-Кларк «эзотерик ғоялар ғарбдаги диний ва илмий баҳсларда катта аҳамият касб этганлигини таъкидлаб ўтади» [3,14]. Шундай қилиб, эзотеризм фан билан ҳам, дин билан ҳам узвий алоқадор деган хулосага келиш мумкин.

Эзотеризмнинг дин билан алоқадор қисми мистика бўлса, унинг фан билан алоқадор қисми магия ҳисобланади. Агар Европадаги фан тараққиёти тарихига мурожаат қилинса, унинг эзотерик таълимотлар билан ўзаро таъсирда ривожланганлиги тўғрисидаги тезис чин эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Европа фан тараққиёти тарихида эзотеризмнинг муҳим аҳамият касб этгани тўғрисидаги ғоя Фрэнсис Йейтснинг қатор тадқиқотларида илгари сурилади ва чуқур асосланади. Унинг бундай ишлари қаторига «Ж.Бруно ва герметик анъаналар», «Розенкрейцерлар маърифатпарварлиги» кабиларни киритиш мумкин. Эзотеризм тарихига оид мазкур тадқиқотлар эзотеризмнинг, айниқса, бугунги кунда унинг ядроси деб қаралаётган герметизмнинг уйғониш даври ва янги даврнинг бошларида шунчаки четда қолган маданият эмас, балки у замонларда муҳим аҳамият касб этган замонавий Европа рационализмини тиклашга хизмат қилган ўта зарурий омил бўлганини кўрсатади. Бундай тадқиқотларнинг дастлабкиси саналувчи Йейтснинг ишлари кўплаб тадқиқотчиларга ижодий мотив вазифасини ўтади. Натижада янги давр фани ва фалсафаси тараққиётида эзотеризмнинг муҳим омил бўлганини турли нуқтаи назарлардан очиб берувчи кўплаб тадқиқотлар юзага келди. К.Трэйтел ўзининг «Руҳга мўлжалланган фан. Оккультизм ва герман модерни манбалари» номли асарида янги даврда оккультизм замонавий психологиянинг шаклланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилганини таъкидлайди. Аммо янги даврдаги эзотеризмнинг ижобий таъсири биргина гуманитар фанлар билан чекланмади. Эзотеризм, хусусан, герметизм янги даврда ҳам, ҳатто XX асрда ҳам табиий ва техник фан соҳалари тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Америкалик ракетасозлик соҳасидаги машҳур мутахассис Ж.Парсонс автобиографияси фикримизнинг яққол далили бўла олади. Негаки у техника фанлари соҳасида кучли мутахассис бўлиш билан бир қаторда Ordo Templi Orientis эзотерик гуруҳининг ҳам аъзоси бўлган. Албатта, мазкур мисол хусусий ва тасодифий ҳолдек туюлиши мумкин, аммо ушбу мулоҳазани мутлақлаштириш ҳам ноўрин. Бундан ташқари, 1961-1968 йилларда НАСА бошқарувчиси сифатида фаолият юритган Джеймс Э.Вебб ҳам масон бўлгани маълум. Мазкур масалани очиб беришдаги муҳим ишлардан бири сифатида М.Моррисоннинг «Замонавий алкимё, оккультизм ҳамда атом назариясининг вужудга келиши» асарини кўрсатиш мумкин. Муаллиф XX асрнинг биринчи ярмидаги кўплаб эзотерик гуруҳлар, хусусан, Олтин ёғду герметик ордени аъзоларининг эзотерик ва илмий қизиқишлари ўртасида узвий боғлиқлик бўлганини очиб беради. Қизиғи шундаки, бу ҳол нафақат АҚШда, балки Собиқ Иттифоқда ҳам рўй берган. 2012 йилда чоп этилган «Янги асрда Россия: оккульт эзотерик мезонлар» номли тўпламдаги мақолалар собиқ совет фанининг эзотеризм билан кўпчиликка маълум бўлмаган алоқаларини очишга қаратилган. Эзотеризм таъсирида ривожланган бундай йўналишлар қаторида гностицизм, теософия, спиритизм ғояларига асосланган космизм фалсафаси алоҳида ажралиб туради. Космизм фалсафаси нафақат мустақил эзотерик мистик таълимот сифатида шаклланди, балки совет фани ва техникаси ривожи учун мафкуравий асос вазифасини ўтади. Космизм фалсафасининг Циолковский, Вернадский, Чижевский сингари вакиллари нафақат фан тарихида, балки М.Хагемайстер тўғри кўрсатганидек, совет ва постсовет замонидаги XX аср эзотерик таълимотлар тарихида чуқур из қолдирган [4.135-150]. Хусусан, Циолковскийнинг она шаҳри Калуга XX аср бошида теософик ҳаракатлар яхши ривожланган ҳудуд бўлиб, шу маънода мутафаккир қарашларининг теософ Блаватской ғоялари билан уйғунлик касб этиши тасодифий эмас, балки табиий ҳолдир. Циолковскийнинг теософияга яқин ғоялари қаторига инсониятнинг танасиз фақат энергиядан иборат бўлган нурли одамлар деб аталувчи янгича турмуш шаклига ўтиши ёки келажакда инсоният ҳаётига руҳлар ва фаришталар сингари ножисмоний жонзотларнинг аралашиши сингариларни келтириш мумкин. Гарчи материалистик шаклда ифодаланган бўлса-да, Циолковскийга реинкарнация ғояси ҳам таниш бўлган: Циолковскийнинг дунёқарашига кўра, инсон ўзида атомлар давлатини намоён қилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида тирик жонзот бўлиб, атом руҳлари орқали космик эволюция йўлини босидан кечиради.

Эзотерик ва илмий қизиқишлари ўртасида алоқадорлик мавжуд бўлган олимлардан яна бири физик В.Паули бўлиб, унинг дунёқараши шаклланишида К.Г.Юнг ғояларининг ўрни беқиёс бўлган [5.282]. Бугунги кунда ҳам ўзининг илмий изланишлари ва эзотерик қизиқишларини уйғунлаштирган ҳолда турли руҳий амалиёт машғулотлари билан шуғулланаётган кўплаб олимларни учратиш мумкин. Ф.Капра

1975 йилда чоп эттирган «Дао физикаси» асарида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Рационалистик йўлни танлаб уни мистик илдизларидан узиб қўйган ҳолда узоқ Шарқ халқлари билан кескин зиддият ҳосил қилувчи дунёқарашни юзага келтирган Ғарб фани эволюциясини кузатиш бирмунча қизиқ. Эволюциясининг сўнгги босқичида ўз дунёқараши чегараларини бузиб ўта олган Ғарб фани қадимги Шарқ ва юнон мутафаккирлари қарашларига мурожаат қила бошлади» [6.14-15]. Капри айтган Ғарб фанининг Шарқ ва илк юнон мутафаккирлари қарашларига мурожаат қилиши жараёнига урғу бермасдан мисолларга эътибор қаратайлик. Биология соҳасида фанни консерватив институт сифатида танқид қилган Р.Шелдрейк у (фан) ўзига хос эътиқод символини шакллантиргани, аниқроғи, фактларга ишониш эътиқод даражасига кўтарилганлигини таъкидлайди [7.7-8]. Р.Шелдрейкнинг фикрига кўра, масалага нисбатан эластик ёндашув қўллаш лозим. Шундагина дунё манзарасини бирмунча яхлит тасаввур қилиш имкони юзага чиқади. Кўриниб турибдики, фан ва эзотеризм муносабатини аниқроқ тасаввур қилишда нисбатан эластик ва эркин ёндашув догматик принципларга қараганда кўпроқ самара беради. Айни муносабатда Р.Шелдрейк концепцияси П.Файерабенд ғоялари билан яқинлик касб этади. Шелдрейк томонидан яратилган биологик морфоген майдон назариясида табиатда коллектив хотира мавжудлиги ғояси илгари сурилади. Мазкур концепциянинг бир неча аспектлари XIX аср охири – XX аср бошларидаги эзотериклар томонидан ишланган назариялар, хусусан, Блаватской ижоди орқали оммалаштирилган «Акаши хроникаси» назарияси билан яқинлик касб этади. Айни ўринда эзотеризмдан бирмунча узоқ бўлган математик Р.Пенроузнинг ишларига тўхталиб ўтиш жоиз. У ўз тадқиқотларида фалсафанинг онг билан боғлиқ қисмига мурожаат қилиб, Поппер қўллаган учинчи дунё ёки маданият дунёси атамаси ўрнига «Платон олами», «ғоялар олами» ёки «мутлақликлар олами» тушунчаларини ишлатиш таклифи билан чиқади [8.96]. С.Хокингнинг фикрига кўра, Пенроуз ҳақиқий маънодаги платончи ҳисобланади [8.165]. Ғоялар оламини математик тушунчалар дунёси сифатида талқин этиш табиатшунослик фанлари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга хос бўлган Хокинг редукционизмидан кўра Пенроуз дунёқарашини нафақат платонизмга, шунингдек, пифагоризмга ва у орқали эзотеризмга ҳам яқинлаштиради. Ниҳоят, тўғридан-тўғри эзотерик тенденциялардан таъсирланган фан соҳаларидан бири сифатида замонавий психологияни ҳам келтириш мумкин. Жумладан, К.Г.Юнг, В.Райх, С.Гроф, Р.Ассаджиоли, А.Минделл сингари қатор психологлар турли хил дунёқараш шаклларига мурожаат қилган ҳолда, кўплаб ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишда қадимги шаманизмдан тортиб янги давр таълимотларигача бўлган кўплаб оқимлар ғояларидан потенциал инструмент сифатида фойдаланганлар [9.244-246]. Албатта, қадимда шаманлар, маглар, афсунгарлар муайян маънода ўз даврининг психологи функциясини бажарганларига шубҳа йўқ. Бундан эса турли магиявий тасаввурлар ва фан сифатидаги психология ўртасидаги узвий алоқадорликнинг қадим-қадимдан мавжуд бўлгани тўғрисидаги мулоҳаза келиб чиқади.

Юқоридаги ҳолатни XVIII – XIX асрдаги замонавий иррационализмнинг рационализмга реакцияси дея аташ мумкин. Юқорида таъкидланган мулоҳазаларга асосланиб, шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай тенденция фан тарихининг сўнгги юз йилида эмас, у пайдо бўла бошлаган даврларданоқ ҳамроҳлик қила бошлаган. Замонавий фан шаклланишининг сўнгги даврларида эзотеризм ва фан ўзаро алоқаларига нуқта қўйган мутафаккирлардан яна бири сифатида замонавий физиканинг асосчиси Исаак Ньютонни келтириш мумкин. Унинг алхимия билан шуғулланганлиги фактига тадқиқотчилар шубҳа қилмайдилар. Аммо баъзи ҳолларда алхимия унинг илмий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмаган ва шу маънода мутафаккирнинг бу машғулот билан шуғулланганлиги фактига жиддий диққат қаратиш шарт эмас деб ҳисобланади. Бироқ чуқур тадқиқотлар Ньютон шунчаки алхимияга қизиққан розенкрейцерлик ордени аъзоси бўлибгина қолмасдан, бу соҳанинг моҳир билимдони эканидан далолат беради. Хўш, Ньютон ижодига қандай эзотерик ғоялар таъсир кўрсатган? Немис тадқиқотчиси Вольфрам Фрич энг аввало бу оламнинг универсал ғояси бўлиб, Ньютон унга Меркурийнинг алхимик принципи деб қараган деб ҳисоблайди [10.190]. Ньютоннинг алхимияга қизиққани тўғрисидаги тезисга шубҳа билан қаралган бир пайтда герметик матнлар унинг табиатшуносликка оид ишлари асосини ташкил қилган деган мулоҳаза юзага чиқади. Хусусан, унинг оптикага оид қарашларида акс этувчи ғоялар бунинг яққол мисоли бўла олади. Масалан, Ньютон қўллаган корпускулалар иерархияси ғояси унинг материянинг ягоналиги ҳақидаги қарашларига таянади. Ньютон элементларнинг бир-бирига айланиши ҳамда қисмларга бўлинмайдиган заррачаларнинг мавжудлиги концепциясига ва замонавий тажриба ускуналарини такомиллаштирмасдан туриб жисмлар ўртасидаги сифат жиҳатидан фарқни аниқлай олиш имкониятига ишонмаган. Алхимик ғоялар Ньютон нима учун генеялар заррачаларга таъсир кўрсатиб, уларни қора рангга айлантиришини тушунтириб, материянинг корпускуляр назариясига мурожаат қилган ҳолда ранглар тартиботи назариясини ривожлантиришга қаратилган концепциясида яққол намоён бўлади. Бу ерда масаланинг қўйилиши тўлақонли алхимик характер касб этади. Негаки, алхимиядаги қора ранг генеяларнинг даражаси Нигредони англатади [11.190]. Ньютон томонидан ривожлантирилган гравитация назарияси ҳам магия-

вий дунёқарашнинг қийшиқ бурчакли тош ҳақидаги ғоялардан ҳисобланувчи масофадан туриб таъсир ўтказиш тамойилига мос келади. Ниҳоят, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, Ньютон натур фалсафасининг моҳиятини оламни – биринчи сабабни тадқиқ қилиш орқали эришиладиган ахлоқий комиллик ғоялари ташкил қилади [11.307]. Шу маънода Ж.М.Кейнс сингари фан тарихчилари Ньютонни маг – «сеҳргар» деб ҳисоблашлари табиий ҳол ҳисобланади [12.34]. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ньютон ўз замонасининг эзотерик оқимлари билан алоқадор бўлган ягона мутафаккир эмас эди. Бундай мутафаккирлар қаторига Ж.Ди, Ж.Непер, Р.Декарт, Г.В.Лейбниц сингари математикларни ҳам киритиш мумкин. Қанчалик узоқ тарихга мурожаат қилсак, бундай мутафаккирларни шунча кўп учратиш мумкин. Марселио Фичино, Пико делла Мирандола, Жордано Бруно, ўрта аср алкимёгарлари Пифагор сингари юнон файласуфлари ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ўз таълимотларида эзотеризм ва фан ғояларини уйғунликда акс эттирганлар.

Фан тараққиётида магиянинг муҳим ўрни ҳақидаги Эдинбург университети профессори Ж.Генри концепцияси ҳам тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади. Унинг ёндашувига кўра, уйғониш даври ва илк янги даврда магиянинг бир қисми Европа фани тараққиётига катта таъсир кўрсатибгина қолмай унинг таркибий элементи сифатида қаралиб, қолган қисми инкор қилинган: «оккульт фанлар ва санъатларнинг кўп сонли анъанавий элементлари уйғониш даври ва янги давр натурфайласуфлари томонидан ўзлаштирилиб, фалсафада янги йўналиш юзага келишига сабаб бўлган. Магия туфайли мазкур янги фалсафий йўналишлар нафақат математик эксперементал, балки янги ахлоқий ғоялар касб этди. Шунингдек, магия уларнинг қатъий мазмунга эга бўлиши учун ҳам хизмат қилди. Айни пайтда магиянинг бундан бошқа аспектлари қатъий инкор қилинди» [13.58]. Шу маънода Генри магиявий анъаналар дунёнинг замонавий илмий манзараси яратилишида муҳим роль ўйнаганлиги, магиявий тасаввурлар ва илмийлик ўртасидаги ажралиш анча кейин, магиянинг фан билан алоқадор қисмига илмий деб қаралиб, магия сўзи унинг дунё илмий манзарасига кирмай қолган тасаввурларгагина қўлланила бошланган пайтда рўй берганлигини таъкидлайди. Ғарб маданияти тарихида бундай ўринларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, гипноз Генри қараб чиққан илк янги даврда эзотерик гуруҳлар орасида кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик расмий фан томонидан илмий истеъмолга қабул қилинди. М.Пази тўғри таъкидлаганидек, XIX аср охири – XX аср бошларидаги оккульт гуруҳлар орасида очиқ илмий муҳит мавжуд бўлган. Бу эса ўз навбатида феминизмдан тортиб психоанализгача бўлган янги ғоя ва назарияларнинг вужудга келиши, тарқалиши ҳамда кенг амалиётга қўлланиши учун қулай имконият яратган [14,15]. XIX асрда устувор бўлган позитивистик фан модели ҳисобга олинмаганда, Европа фанининг эзотеризм билан алоқаси ҳайратланарли ҳодиса эмас. Қолаверса, Европа фанининг туб илдизлари қадимги юнон мажусийлик маданиятига бориб тақалишини ҳам ёдда тутиш лозим. Дастлаб фан, фалсафа ва эзотеризмнинг ўзаро боғлиқликда ривожланганлиги бугунги алоқаларнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ф.Капри тўғри таъкидлаганидек, бошқа кўплаб фанлар қатори физиканинг бошланғич асосини фан, фалсафа ва дин ўзаро дифференциаллашмаган маданият маҳсули бўлмиш қадимги юнон натурфалсафасидан излаган маъқул. Қадимги Милет мактаби донишмандлари фалсафа, фан ва эзотеризм ўртасига қатъий чегара қўймаганлар. Улар ўзлари «физис» деб атаган табиатнинг туб моҳияти ёки нарсаларнинг ҳақиқий тузилишини билишга интилганлар. Физика деган сўз айни атаманинг маҳсули бўлиб, бу тушунча ўз навбатида нарсаларнинг ҳақиқий тузилишига эришишни англатган. Шу маънода христианлик томонидан янги илмий тенденциялар ва кашфиётларга нисбатан амалга оширилган таъқиблар тасодифий бўлмаганини тушуниш мумкин. Масалан, православие ёки католицизм гелиоцентрик назария ва эволюция назариясининг кейинги тараққиёт босқичларида уларга қарши жиддий курашган. Христианлик фанга антик мажусийлик ва магиявий ғояларнинг ташувчиси сифатида қараган ва шу маънода уларни христианлик этикасига жиддий хавф солувчи ҳамда бузиш эҳтимоли катта бўлган ғоялар сифатида тақиқлашга уринган.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб, эзотеризм ва фаннинг ўзаро таъсири ва узвий алоқаси Европа маданиятида фан юзага кела бошлаган даврлардан бошланиб, унинг кейинги тараққиёти мобайнида ҳам мавжуд бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Умуман олганда, фан ва эзотеризм бир ҳодиса, аниқроғи, инсон билиш фаолиятининг ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлувчи икки ажралмас қисми саналади.

Адабиётлар:

1. Торчинов Е. Религии мира: опыт запредельного. Психотехника и трансперсональные состояния. – СПб.: Азбука-классика, Петербургское Востоковедение, 2005. Б. 64.

2. Thorndike L. A History Of Magic And Experimental Science. Vol. 1. New York: Columbia University Press, 1923. P. 2.

3. Goodrick-Clarke N. The Western Esoteric Traditions.P. 14.
4. Hagemeister M. Konstantin Tsiolkovskii and the occult roots of Soviet space Travel // Menzel B., Hagemeister M., Rosental B. G. (eds.) The new age of Russia. Kubon and Sagner GmbH. Pp. 135-150.
5. Линдорф Д. Юнг и Паули. М.: Касталия, 2013. Б -282 .
6. Капра Ф. Дао физики. СПб: Орис, 1994. С. 14-15.
7. Sheldrake R.The Science Delusion.CoronetBooks, 2012.Pp. 7-8.
8. Хокинг С. и др. Большое, малое и человеческий разум.- СПб.: Амфора, 2008.- С.96.
9. Подробнее тема взаимодействия психологии и эзотеризма на примере современной России была описана ранее в статье: Панин С.А. Психология религии и эзотеризм в современной России // ТОЧКИ/ PUNCTA. – М.: Институт Св. Фомы, 2011. – № 1-2 (10). – Стр. 244-246.
10. Frietsch W. Newtons Geheimnis.Verlag Neue Wissenschaft. Gaggenau, 2006.P. 190.
11. Ньютон И. Оптика. Государственное издательство технико-теоретической литературы. М., 1954. С. 198.
12. Keynes J. M. Newton, the Man // The Royal Society, Newton Tercentenary Celebrations. Cambridge, 1947. P. 27 – 34.
13. Генри Дж. Включение оккультных традиций в натурфилософию раннего Нового времени: новый подход к проблеме упадка магии // Государство, религия, церковь в России и за рубежом.– 2013. – М.: РАНХиГС. – № 1 (31). – С. 58.
14. Пази М. Оккультизм и современность: некоторые ключевые моменты // Государство, религия, церковь в России и за рубежом. – М., РАНХиГС, 2013. - № 4 (31). – С. 293.

Ўзбекистон Миллий университети,
2017 йил 23 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Ш.Мадаева)